



САЙЛОВНИ КУЗАТУВЧИЛАР ҲАЛҚАРО МИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси - Парламент сайловлари, 22 декабрь 2019 йил

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР БАЁНИ

ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

22 декабрдаги парламент сайловлари такомиллашган қонунчилик асосида ва мустақил фикрга кўпроқ толерантлик асосида ўтказилди, аммо уларда ҳақиқий рақобат ва сайлов куни қоидаларига тўлиқ ҳурмат кузатилмади. Сайловлар амалга оширилаётган ислохотлар давом этиши, уларга фуқаролар даражасида ташаббус учун имкониятлар ҳамроҳ бўлиши кераклигини намоиш этди. Рақобатчи партиялар ўз сиёсий дастурини тақдим этди, ОАВда аксарияти жонли эфирда, дебатлар бўлиб ўтди, лекин кампания қоидалари ҳамон чекловчидир ва сиёсий танлов доираси чекланганлигича қолди. Сўз эркинлигига тоқат ошган лекин мустақил уюшмалар кам. Афсус, янги қонунчилик ва сайловларга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказишнинг такомиллаштирилган механизми овоз бериш ва санаш жараёнини яхшиламади, халқаро кузатувчилар овоз санаш жараёнида йўл қўйилган жуда кўп жиддий қоидабузарликлар ва муҳим тартибларга эътиборсизлик ҳақида хабар берди.

Янги қабул қилинган Сайлов Кодекси ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларини ўз ичига олган ва сайлов қонунчилигини ЕХХТ қоидалари, бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга яқинлаштирган. Сайлов Кодексининг қабул қилиниши шунингдек сайлов қонунчилигининг тушунарлиги ва шаффофлигини оширди. Бироқ баъзи моддалар ЕХХТ мажбуриятларига ҳамон зидлигича қолмоқда. Муайян енгилликларга қарамай, демократик сайловлар учун муҳим бўлган фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишга доир қонунчилик фуқаро ва номзодларнинг ушбу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини ҳамон чекламоқда.

Бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказилаёпти, инсон ҳуқуқлари борасида муайян силжишлар кузатилмоқда, лекин сиёсий танлов имкони ҳамон чекланган. Бир истиснодан ташқари, 2003 йилдан буён янги сиёсий партия рўйхатдан ўтмаган. Барча партиялар президент сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Партиялар сайловолди кампанияси

мобайнида бир-биридан ажралиб туришга ҳаракат қилишса ҳам, ҳеч қайсиси ўзини муҳолиф партия деб билмайди. Мустақил, партия тавсия қилмаган номзодларнинг сайловларда қатнашиши қонунда кўзда тутилмаган. Бу факторлар сайловларни фарқли сиёсий қарашлар ўртасида кураш майдони сифатида хизмат қилиш имконини чеклади ва сайловчилар олдидаги танловни камайтирди.

Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) парламент сайловларини янги ташкиллаштириш барча имкониятларини ишга солди. Ўзгаришлар сазовор ўзгаришлар, жумладан округдаги сайловчиларнинг ўртача сонини тенглаштириш мақсадида сайлов ҳудудлари чегараларининг тубдан ўзгариши, Сайлов Кодексини амалиётга тадбиқ қилишга ёрдамлашувчи қўшимча қатор МСК қарорлари чиқарилганлиги, ногиронлиги бор шахслар учун қулайликлар яратилгани, минглаб сайлов участка аъзоларини ўқитилгани, сайловчилар мунтазам хабардор қилинишидан иборатдир. Лекин бу ҳаракатлар кутилган яхшиланишни бермади, сайлов куни амалиётларининг барча даражасида кўп сонли қоидабузарликлар давом этди.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) тузилганлиги муҳим ютуқ бўлиб, у қайта-қайта овоз беришни камайтириш ва сайловчилар қамровини анча кенгайтиришни олдига мақсад қилиб қўйган эди. МСК сайловчилар рўйхатини текширишдан аввал сайловчиларни рўйхатга олиш борасидаги маълумотларни ошқор қилмади, бу эса рўйхатга олиш жараёнининг шафоқлигини камайтирди. Сайлов куни сайлов рўйхатидан ўз маълумотини топа олмаган сайловчилар ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин, бу кўпроқ одамга сайлаш имкониятини бериш мақсадида қилинган бўлса ҳам, суистеъмолнинг олдини олиш қийин бўлгани учун умум қабул қилинган халқаро тажрибага зиддир. Илк маротаба ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан 5 нафардан, жами 750 нафар номзодни рўйхатга олди. Рўйхатга олиш жараёни қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали енгиллаштирилди, энди сайловчилар бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкин бўлди. Қонунчилик палатасининг амалдаги аъзоларининг 30 фоизигина қайта сайлананади, партияларнинг аксарият номзодлари сайловларда илк бор кўрсатилган. Олти нафар номзод сайлов кунидан олдин сайловни тарк этди.

Аёллар сиёсат ва жамият ҳаётида етарлича ўрин олмаган. Бу сайловларда номзодларнинг 41 фоизи аёллар бўлиб, қонунан талаб этилган 30 фоизлик квотани барча партиялар ошиғи билан бажарган. ДИИХБ СКМ кузатган сайлов участкаларининг аъзолари орасида аёллар

кўп учраган. Гендер тенглик масалалари сайловолди кампанияси мобайнида унчалик муҳим мавзуга айланмаган, ОАВ диққати асосан эркак номзодларга тортилган.

Сайловолди кампанияси мутассадилар томонидан сўз эркинлигига ҳурмат ошган муҳитда олиб борилди, лекин бу ва бошқа фундаментал эркиликларнинг қонунан чеклови сақланиб қолинган. Сайлов Кодекси номзоднинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш борасидаги қоидаларни анча енгиллаштирган бўлса ҳам, оммавий йиғилишларни ўтказиш учун ханузгача маҳаллий ҳокимликлардан аввал руҳсат олиш талаб этилади.

Сайлов Кодекси, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳамда МСК қарорларига кўра, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ҳажми МСК томонидан белгилаган ва таъминлаган, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори фақатгина майда харажатларни қоплашдан ортмай, умуман олганда давлат томонидан бепул ажратилган ОАВ эфир вақти ва нашр майдонидан ташқари қўшимча ташвиқот учун етарли бўлмади, ва сайловчилар орасига кириб бориш имконини чеклади.

Кампания очик тарзда ўтсада, МСК қарорлари сайлов кампаниясининг қолиплаган, ўта муфассал қонуний базасини яратган. Сайловолди кампанияси ОАВдан ташқарига деярли чиқмади, партиялар сайловолди тарғибот фаолиятини ўзлари ташкиллаштирганига далиллар камроқ кузатилди. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари кўпинча сайлов маъмурияти ташкил этган учрашувлар билан кифояланган. Тенг имконият ва молиялаштириш талабини тор талқин этиш натижасида партия ва номзодлар ўзларига ҳос индивидуал кампания стратегиясини белгилашда қийналди. Шунга қарамай, партиялар сайлов кампаниясидаги имкониятларни қониқарли деб топган ва ўз рақиблари билан ҳақиқий рақобатга киришмади.

Сайлов кодекси ОАВ эфир вақти, нашр майдони ҳамда бошқа талаблар барча партиялар учун тенг ва бир хил бўлишини таъминлайди. МСК қарори ажратилган эфир вақти ва нашр майдонидан фойдаланишни белгилайди. Фикр ва сўз эркинлигига ҳурмат ошган шароит натижасида ОАВ кампанияни кўпроқ ёрита олди. Муҳим янгилик бўлмиш жонли дебатлар тез-тез ўтказилди, лекин фақатгина сайлов кампаниясининг охирларига келиб анаънавий ОАВ журналистлари дебатларда кўтарилаётган мавзуларни ёки партия сайловолди дастурларини таҳлил ва муҳокама қилаётгани кузатилди. Мустақил фикр ва таҳлил манбаи сифатида кўпроқ мустақил блогерларга мурожаат қилинмоқда, уларнинг жамиятдаги нуфузи ошмоқда.

Сайлов Кодексида сайлов қонунчилиги бузилган ҳолатларни ўнглаш борасида етарлича таъсирга эга ҳуқуқий чоралар белгиланган. МСК кўпгина ёзма мурожаатларни олган,

уларни тегишли мутассадиларга юборган. Бу мурожаатларнинг аксарияти МСК ёки суд қарорини талаб қилмагани учун, бу ҳуқуқий механизм ҳали амалиётда синалмаган.

Миллий озчиликлар масаласи сайлов кампаниясида кўтарилмаган. СКХМ кузатувчиларининг хабар беришича, кампания давомида миллий озчиликларнинг камситувчи хатти-ҳаракатлар кузатилмаган. Барча партиялар миллий озчиликлар вакили бўлмиш номзодларга эга, СКХМга партиялардаги суҳбатдошларнинг маълум қилишича, улар ўз тарғибот ва ташвиқот материалларини бошқа тилларда ҳам чоп этган. Баъзи округларда бюллетенлар рус ёки қорақалпоқ тилида нашр этилган.

Мутассадилар кўпгина халқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказди. Сайлов жараёнида партия кузатувчилари иштирок этиш ҳуқуқига эга, бошқа хусусий ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган, бу эса мустақил назорат имконини камайтиради. Сайлов кодексида сайлов жараёнини жамоат кузатувчиси кузатиши белгилаб берилган, лекин бу мақом фақатгина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш ва сайловолди жараёнининг турли босқичларида қатнашган “Маҳалла” кўмиталаридан кузатувчилар билан чекланган. “Маҳалла”нинг ҳам жамият, ҳам сайлов ишида бу кўп қиррали фаолияти кузатувчи сифатида фаолиятига таъсир қилиши, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин.

Сайлов жараёни кузатилган 14 фоиз сайлов участкаларида салбий баҳоланди. Сайлов тинч муҳитда ўтди лекин жиддий қоидабузарликлар жараёнга раҳна солди, хусусан сайловчиларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз сайлаш имкони берилди, кўпгина одамлар бир нечта бюллетенни тўлдириб бошқалар номидан овоз берди, сайловчилар сайлов кунини тегишли талабларга риоя қилинмай рўйхатга олинди. Сайловчилар овозини санаш 42 фоиз ҳисоботларда салбий баҳоланди. Кузатув олиб борилган сайлов участкаларининг деярли ярмисида, УСКлар тартибга риоя қилмади ва кўпгина УСКлар якуний баённомадаги маълумотларни мувофиқлаштиришда қийналди. Бир қатор сайлов участкаларида УСКлар бўш якуний баённомани олдиндан имзолаб қўйган, баъзи кузатувчилар сайловчилар рўйхати ва баённомага киритилган маълумотлар сохталаштирилганлиги ҳақида хабар берди. Кузатувчилар кузатган 105 УСКдан 15 тасида йўл қўйилган жиддий процесуал хато ва камчиликлар ҳақида хабар берилди. Кўпгина УСК баённомалари, аксарият ҳолларда расмий қарорсиз, ОСК биносида ўзгартирилган ёки тўлдирилган. СКМ кузатувчиларига сайлов жараёнининг барча даражасида эркин кузатиш имконияти берилди.

ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

Масала тарихи ва сиёсий вазият

20 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси (МСК) Олий Мажлиснинг қуйи палатасига сайлов 22 декабрь куни бўлиб ўтишини эълон қилди.¹ Бу парламент сайловлари президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилда бошлаб берган кенг ислохотлар даврида ўтди. Босқичма босқич амалга оширилаётган Тараққиёт стратегияси Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган. "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ўтказилган бу сайловлар президент ортга қайтмайдиган янгишланиш ва демократлаштириш жараёнларининг муҳим бир қисми бўлди. 22 декабрда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ҳам сайловлар бўлиб ўтди.

Конституцияда президентга кенг ваколатлар берилган. Давлат раҳбари ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариши орқали парламент билан бир қаторда қонунчилик ташаббусига эга. 2014 йилда, Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилишининг киритилиши орқали парламентнинг роли кучайтирилган эди. 2019 йилда Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Қонунчилик палатаси маъқуллашини ва кейин президент томонидан тасдиқланишини кўзда тутадиган яна бир ўзгартириш киритилди. Бу ҳокимиятлар бўлинишидаги мувозанатда эҳтимолий катта ўзгаришларни англатади. Лекин бу ўзгаришларга қарамай, Ҳозирда Қонунчилик палатаси 108 аъзодан иборат, 42 нафар аъзоси ижроия ҳокимиятдаги турли лавозимларга ишга ўтган. Бўшаб қолган ўринларга такрорий сайлов ўтказилмаган.² Аёллар сиёсат ва жамият ҳаётида етарлича ўрин олмаган. Аёллар амалдаги Қонунчилик палатасининг аъзоларининг 16 фоизини, Сенат аъзоларининг 17 фоизини ташкил этади. Президент сиёсий партиялар аёл номзодларга кўпроқ эътибор бермаётганини танқид қилган эди.³

Ислохотлар фуқаролар ўз эътирозларини билдиришига, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларини муҳокама қилишига, давлат идораларини танқид қилишига кенгроқ имкон яратди. Ўз фикрини бемалол баён этаётганлар кўп бўлмаса ҳам, мавжуд ва тобора жарангдордир. Баъзи фуқаролар ижтимоий тармоқ ва блогларида эркинроқ ўз фикрини билдиришни ўзига эп кўрмоқда. Лекин тўлиқ кузатув имкониятларига эга бўлган хавфсизлик аппарати ҳамон ўз жойида ва фуқаролар ҳаракатига таъсир қилмоқда.

¹ Мамлакат Парламенти (Олий Мажлис) икки палата – 100 нафар билвосита сайланадиган аъзога эга бўлган Сенат ва бевосита сайланадиган 150 та аъзога эга бўлган қуйи палатадан иборат.

² 2017 йилда президент парламент фаолияти самарасиз эканлигини [танқид қилган](#). Президент маълум қилишича, 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир.

³ Президентнинг 22 июнь 2019 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. Ушбу мажлисда Танзила Норбоева Сенат тарихида илк бор аёл раис этиб тасдиқланган. 2019 йилнинг сентябрида “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида” ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонулар қабул қилинди. Иккинчи қонунда сайлов комиссияларини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш белгиланган.

Йиғилиш эркинлиги борасидаги баъзи қоидалар енгиллаштирилган бўлса ҳам, оммавий норозилик, хусусан ижтимоий медида билдирилган норозилик таъқиб ва ҳатто қамок билан тугаши мумкин.

Ўзбекистон Экологик партияси пайдо бўлса ҳам, сиёсий партиялар манзараси асосан ўзгармай турибди.⁴ Қолган расмий тўртта партия ҳам ҳозирда парламентдадир.⁵ Барча партиялар президент ва ҳукуматнинг сиёсатини қўллаб-қувватлайди, улардан ҳеч қайсиси муқобил сиёсатни таклиф қилмаган. Сўнгги сайловлардан кейин парламентдаги партиялар кўпчилик ва озчилик блокларини тузган. Шундай бўлса ҳам, партияларнинг ҳеч қайсини ҳозирча президентга муҳолиф деб бўлмади. ЎЭПдан ташқари, 2003 йилдан бери янги сиёсий партия рўйхатдан ўтмаган.⁶ Бу сайловларнинг плюралистик моҳиятини чеклайди ва эҳтимолан 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 3- ва 7.6- моддаларига зиддир.⁷

Мавжуд маъмурий инфратузилма, хусусан сайлов маъмурчилигига қўшимча сифатида “Маҳалла” ва маҳаллий ҳокимликлар одатда партия вазифаси бўлган функцияларни ўз бўйнига олган. “Маҳалла” кўмиталари расман фуқаролик жамиятининг институти бўлса ҳам, уларга ҳукуматнинг баъзи ваколатлари берилган, ДИИХБ СКМ суҳбатдошлари бу институтни маҳаллий жамоат назоратининг бир тури сифатида таърифлаган.⁸

Сайлов қонунчилиги ва сайлов тизими

Қонунчилик палатасига сайлов 150та бир-мандатли мажоритар сайлов округларида бўлиб ўтди. Биринчи раундда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод ғолиб деб топилади. Агар Қонунчилик палатаси сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда икки ҳафталик муддатда такрорий овоз беришни ўтказди. ЕХХТ мажбуриятлари ва ДИИХБнинг аввалги муайян тавсиялари асосида, Қонунчилик

⁴ Авваллари Қонунчилик палатасидаги 15 ўрин Экологик ҳаракатга ажратилган. 2019 йилнинг 22 январиди Ўзбекистон Экологик партияси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган. ЎЭХ фаолият юритишда давом этмокда, лекин унинг раиси ва раҳбарияти ЎЭПга раҳбарлик қилмокда.

⁵ Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДеП), “Миллий Тикланиш” Ўзбекистон Демократик Партияси (ЎДП), Халқ Демократик Партияси (ХДП), “Адолат” Ўзбекистон Социал Демократик Партияси (СДП)

⁶ ЎзЛиДеП 2003 йилда тузилган, 2008 йилда “Миллий Тикланиш” партияси билан “Фидокорлар” партияси қўшилишидан янги “Миллий тикланиш” партияси тузилган. 2019 йилнинг июнь ойида “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари гуруҳи ўз Facebook саҳифасида Ўзбекистон президентига, Олий Мажлис раҳбариятига, Адлия вазирига ва Омбудсманга мурожаат қилиб, сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш талабларини юмшатишга чақирган.

⁷ 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 3-параграфи сиёсий ташкилотлар борасида плюрализм заруратини ургулайди. 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 7.6-параграфида “шахслар ёки сиёсий гуруҳлар ўз сиёсий партияси ёки бошқа сиёсий ташкилотини эркин тузиш ҳуқуқи [...]” кўрсатилган. Шунингдек, 1966 йилдаги Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактга 1996 йилдаги БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг Умумий Шарҳининг (25-Умумий Шарҳ) 26-параграфига қаранг.

⁸ Маҳалла ўзбек жамиятининг анаънавий институти бўлиб, ҳозирда давлат ва жамият ўртасидаги боғловчи бўгин сифатида фаолият юритмокда. Маҳалла институти 1993 йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти тўғрисидаги қонун билан расмийлаштирилган. Маҳалла қарорларини бузиш ҳуқуқий оқибатларига олиб келиши мумкин.

палатасидаги 150 нафар депутат тўғридан-тўғри сайланди.⁹ Сайлов, агар унда республикадаги сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

Парламент сайловларининг қонуний базаси сўнгги марта 2019 йилда ўзгартиришлар киритилган Конституция, 2019 йил июнидан кучга кирган янги Сайлов кодекси ва МСКнинг сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид қарор ва норматив ҳужжатларидан иборат. “Сиёсий партиялар тўғрисидаги” қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги” қонун, Жиноят Кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг айрим моддалари ҳам сайловга тааллуқлидир.

Тарқоқ бешта қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатларини ўзида мужассамлаштирган ягона Сайлов кодекси қабул қилинганлиги сайлов қонунчилигининг тушунарлигини ва шаффофлигини оширган.¹⁰ Ушбу Сайлов Кодексини ишлаб чиқиш жараёнида ўзбек томони ДИИХБнинг аввалги муайян тавсияларини кўриб чиққан, ДИИХБ билан ўзаро манфаатли мулоқотда бўлган ва ДИИХБ, Европа Кенгашининг Қонунлар орқали демократия Комиссиясининг (Венеция Комиссияси) лойиҳа ҳақидаги фикрини сўраган.¹¹ Ижобий томонда, Сайлов Кодекси ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларини ўз ичига олган ва сайлов қонунчилигини ЕХХТ қоидалари, бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга яқинлаштирган. Хусусан парламентда депутатлик ўринларини сайловсиз берилиши бекор қилинган, овоз берувчилар сони жиҳатидан сайлов округлари тенглаштирилган, сайловчиларнинг бир нечта сиёсий партияни, номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиш ҳуқуқи таъминланган. Илк бор қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов Кодексининг қабул қилинганлиги сайловларни ўтказиш учун такомиллаштирилган ҳуқуқий асос яратган, лекин аввалги қонунлардан Кодексга кўчиб ўтган баъзи моддалар ЕХХТ қоидалари, умум қабул қилинган бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга зиддир. Шу жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар сайловда иштирок этмаслиги каби нормалар, номзоднинг Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаши ва бунинг муддати борасидаги

⁹ Копенгаген Ҳужжатининг 7.2-параграфида ЕХХТга аъзо давлатлар “Миллий парламентнинг энг камида битта палатасида барча ўринлар тўлалигича халқнинг овоз бериши асосида тақсимланишини таъминлаши” лозимлиги кўрсатилган.

¹⁰ Кодекс Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари (бундан буён матнда маҳаллий Кенгашлар деб юритилади) депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

¹¹ ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг [Сайлов Кодекси лойиҳаси ҳақидаги қўшма Хулосасига қаранг](#).

талабларни бекор қилиш борасидаги тавсиялар инobatга олинмаган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мутассадилар янги қонунчилик борасида кенг тарғибот ишларини олиб бордилар, сайлов комиссияларининг мутассадилари ва судьяларнинг бу борадаги малакасини оширувчи турли тадбирлар ўтказилди.

Сайлов Кодексидан ташқари, баъзи қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар демократик сайловлар учун муҳим бўлган фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардан фуқаро ва номзодлар фойдаланиш имкониятларини ҳаддан ташқари чекламоқда.¹² Уюшиш эркинлиги, хусусан сиёсий партияни тузиш ҳуқуқи кенг чекловлар остида қолмоқда. Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолиятини тугатиш борасидаги бажарилиши қийин бўлмиш қондалар янги сиёсий партия тузишга тўсқинлик қилмоқда.¹³

Ижобий томонда, сўнгги пайтларда нодавлат ташкилотларни (ННТ) рўйхатдан ўтказиш учун қўйилган маъмурий талаблар озгина юмшатиш билан, бу фуқаролар уюшиши учун қулайроқ замин яратмоқда.¹⁴ Конституцияда сўз эркинлиги қафолатланган, лекин айни вақтда бу эркинликларни чеклаши мумкин бўлган жиноий ва маъмурий жазо ҳақидаги ҳуқуқий нормалар ҳамон кучда қолмоқда.

Сайлов бошқаруви

Сайловлар Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 150 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 10,300 га яқин участка сайлов комиссиялари (УСК), шу жумладан хорижда тузилган 55 УСК томонидан ташкиллантирилди. Конституцион орган мавқеъига эга МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузилади. Конституцияда МСКга кенг ваколатлар берилган. Қонунчиликда масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссиялари томонидан коллегиял тарзда, очиқ ва ошқора амалга оширилиши белгиланган.

МСК ва округ сайлов комиссияси (ОСК) аъзоларини ҳудудий кенгаш депутатлари тавсия этади. МСК аъзолари Парламентнинг иккита палатаси томонидан чекланмаган муддатга тайинланади. МСК ОСКлар таркибини тасдиқлайди. Участка сайлов комиссиялари (УСК) аъзолар таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари,

¹² “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро битим”нинг 25-моддасига берилган 25-Умумий Шарҳнинг 25 параграфидан айтилишича, “25-моддада кўрсатилган барча ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш [...] Пактнинг 19, 21 ва 22-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланишни, шу жумладан алоҳида ёки сиёсий партия ёки ташкилот сафида сиёсий фаолият олиб бориш, сиёсатни муҳофаза қилиш, тинч намоёнлик ва йиғилишлар ўтказиш, танқид қилиш ва муҳолиф бўлиш, сиёсий материалларни тарқатиш, сайловолди кампаниясида номзод сифатида қатнашиш ва сиёсий ғояларни тарғиб қилиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олиш ҳуқуқини такозо этади”.

¹³ ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш Йўриқномасида “партияни рўйхатдан ўтказмаслик учун сабаблар қонунчиликда аниқ айтилиши ва объектив мезонларга асосланган бўлиши кераклиги” тавсия этилган.

¹⁴ Енгиллаштирилган талаблар асосан ННТ грант шартномалари, давлат божини тўлаш, йиллик ҳисобот талаблари ва режалаштирилган тадбирлар ҳақида Адлия вазирлигини огоҳлантириш билан боғлиқ. Адлия вазирлигининг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, 2018 йилда ННТни рўйхатдан ўтказиш бўйича 921 ариза тушган бўлиб, шундан 811 таси қондирилган. 2019 йилнинг 1 декабригача 605 ариза тушган бўлиб, шундан 462 таси қондирилган.

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодларни тегишли ОСК тасдиқлайди.¹⁵ МСКнинг 21 нафар аъзосидан деярли ярмиси, 11 нафари, шу жумладан раис ўринбосари ва котиби 2019 йилда тайинланган. МСК таркиби 16 аъзодан 21 аъзога ўсган, натижада МСК таркибидаги аёллар сони учтадан еттитагача ошган. ОСК аъзолари сони 1600, УСК аъзолари сони 112,000 кишини ташкил этади.¹⁶ МСК берган маълумотларга кўра, ОСК аъзоларининг 46 фоизи, УСК аъзоларининг 49 фоизи аёллардир.¹⁷ Сайлов комиссияларидаги гендер тенглик талаби 2019 йил сентябрида қабул қилинган қонунда кўзда тутилган.

Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) янги қонунчилик асосида парламент сайловларини ташкиллаштириш ва ўтказишда барча имкониятларини ишга солди. Сайлов округларининг сони 135дан 150га чиққани сайлов ҳудудлари чегараларини тубдан ўзгартиришни тақозо этди. Чегаралар белгилангандан сўнг ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони тенглашди, натижада амалиёт бу борадаги халқаро стандартларга мос бўлди. МСК ўз ваколатидан фойдаланиб кўплаб мажбурий қарорларни қабул қилиши натижасида сайлов қонунчилиги янада кўпроқ тартибга келтирилди.¹⁸ МСКнинг бу қарор ва ҳаракатлари қонунчиликка мувофиқ эди, лекин баъзилари кеч қабул қилинди. МСК 68га яқин, шу жумладан партиялар ва уларнинг номзодларини рўйхатдан ўтказиш ҳақида, номзодларнинг сайловолди ташвиқотиغا, хорижда сайлов участкаларини тузишга, сайлов бюлетенларини тасдиқлашга доир мажбурий қарорлар чиқарган. МСК ўз вебсайтида сайловга оид тўлиқ маълумотларни ўз вақтида мунтазам бериб келмоқда, лекин баъзи муҳим қарор ва уларнинг иловалари вақтида чоп этилмаган эди.

Маҳаллий даражада, ОСК ва УСКлар тузилишидан олдин Маҳалла қўмиталари сайлов участка чегарасини белгилашда, сайлов участка аъзоларини танлашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда, номзодлар рўйхатдан ўтгандан сўнг уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишда муҳим ёрдам кўрсатган.

Баъзи истиснолардан ташқари, ДИИХБ СКМ билан суҳбатлашган барча УСК аъзолари қонунчиликда талаб қилинганидек, масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда, очиқ ва ошқора амалга оширилаётганини билдирган. ДИИХБ СКМ кузатувчилари МСК ва мамлакат бўйлаб 142 УСКлар билан учрашди, улар барча сўралган маълумотларни ўз вақтида ва ортиқча сансалорсиз тақдим этган. Қонунчиликда УСК ва ОСК қарорларини ошқор этиш тартиби аниқ белгиланмаган

¹⁵ Сайлов кодексига “ОСКлар таркибини МСК тасдиқлайди” деб айтилган, лекин тавсия этилган ОСК аъзолари тасдиқланмай қолса, нима бўлиши белгиланмаган.

¹⁶ ОСК аъзолари 11 октябрда, УСК аъзолари 12 ноябрда тасдиқланган эди.

¹⁷ 1997 йилдаги БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW) конвенцияси Қўмитасининг 23-умумий Тавсияларининг 26-параграфи Давлатлардан аёлларнинг жамоат ва сиёсат ҳаётидаги иштироки ҳақида ҳисобот берганда, аёллар ҳақида маълумотларни ажратилган ҳолда тақдим этишлари талаб қилади.

¹⁸ Шу жумладан партия кузатувчилари ва ишончли вакилларининг сайлов кундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига, номзодларнинг сайловолди ташвиқотиغا, қамоқда сақлаш жойлари ва хорижда сайлов участкаларини тузишга, сайлов бюлетенларини тасдиқлашга доир мажбурий қарорлар чиқарган.

бўлса ҳам, баъзи УСК қарорлари пештахталарда осилган, ОАВда чоп этилган, баъзилари УСКлар томонидан ДИИХБ СКМ сўровига биноан дарҳол тақдим этилган.

Сайлов билан боғлиқ ташкилий ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилган. Муддатдан олдин овоз бериши 12-18 декабрь кунлари бўлиб ўтди, кўпгина УСКлар бунга аввалроқ тайёр эди. ДИИХБ СКМ кузатувчилари билан учрашган сайлов комиссияси аъзолари янги Сайлов Кодекс моҳиятидан яхши хабардор. ДИИХБ СКМ кузатувчиларига сайлов комиссияларининг барчаси тўлиқ жиҳозланганлигини, барча ходимларга эгаллигини ва яхши молиялаштирилганлигини айтган.

ДИИХБ СКМга МСК берган маълумотларга кўра, маҳаллий сайлов комиссия аъзоларини ўқитиш жараёни июндаёқ, сайловдан олти ой аввалроқ бошланган. 15 та ўқув моделлари ишлаб чиқилган ва МСК вебсайтига жойлаштирилган. Лекин муддатдан олдин овоз беришни ташкиллаштириш ҳамда имконияти чекланган сайловчиларга шароит яратиш ҳақидаги МСК қарорлари аксар ўқув машғулотлари яқунлангандан сўнг, 3 декабрда қабул қилинган. Парламентга сайловлар билан бир пайтда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳам бўлиб ўтишини инобатга олсак, 170 000 аъзолар ўқитилиши керак эди.¹⁹

МСК аҳолини сайлов жараёнларидан шу жумладан билбордлар, постер ва ОАВ орқали хабардор қилиш бўйича фаол ва самарали информацион кампания олиб борди. ОАВ, хусусан шахсий телеканаллар ҳам, МСК фаолияти ҳақида ва сайловчилар онгини оширувчи кўрсатувлар узатди ва бу орқали аввал фуқаролик таълимида йўл қўйилган камчиликларни тuzатди. Бу медиа материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди.

Қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахслар учун уйда ва муддатдан олдин овоз бериш имконияти кўзда тутилган бўлса ҳам, МСКнинг қўшимча қарори улар сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг, сайлов участкасида амалга ошириши учун зарур шароит ва имкониятлар яратди. Шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус жиҳозланган овоз бериш кабиналари, бепул транспорт, бино ичида эркин ҳаракатланиш учун шароитлар яратилди.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгалар, суд томонидан “муомалага лаёқатсиз”, хусусан ақлий ёки психосоциал ногиронлиги учун лаёқатсиз деб топилган фуқаролар бундан мустасно. Ногиронлиги сабабли сайлов ҳуқуқидан маҳрум

¹⁹ Парламентга сайловлар ўтказаетган 112 000 УСК аъзолари бир қаторда, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларни ўтказиш учун қўшимча 58 000 УСК аъзолари тайинланган.

қилиш ЕХХТ қоидалари ва бошқа халқаро стандартларга тўғри келмайди.²⁰ Вақтинча сақлаш ҳибсхонасида сақланаётганлар ва биринчи маротаба, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Бу Конституцияга ўзгартиришларни киритишни тақозо этди. Мамлакат ташқарисида сайлов округи мавжуд бўлмаса ҳам, Сайлов Кодексида фуқароларга хорижда ҳам овоз бериш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Рўйхатга олиш пассив бўлиб, сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар.²¹ Бу сайловларда илк бор марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланилди. СЯЭР аввал 2017 йилда Тошкентдаги маҳаллий сайловларда синовдан ўтган эди. СЯЭР маълумотлар базаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, фуқаро паспортини чоп этувчи Давлат персоналлаштириш маркази каби давлат идораларининг маълумотлар базаси асосида ташкил этилди. ДИИХБ СКМ билан суҳбатлашган ОСК ва УСК аъзолари СЯЭР ишга туширилишини олқишлаган ва унинг аниқлигига ишонч билдирган.

Сайловчиларнинг электрон рўйхатларини шакллантириш ва аниқлаштириш учун барча участка сайлов комиссияларига СЯЭР дан тегишли сайловчилар рўйхати тақдим этилган. Участка сайлов комиссияси аъзолари Маҳалла қўмитасининг ходимлари билан биргаликда участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан рўйхатга аниқлик киритди. Сайловчилар ўз маълумотларини онлайн аниқлаб олиши ҳам мумкин эди. Сайловчилар рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни тегишли УСКдан талаб қилиш ҳуқуқига эгалар.²² Сайловчилар рўйхатига ўзгартиришлар сайловга уч кун қолган муддатда киритиши мумкин эмас. Ушбу муддатдан кейин қабул қилинган суд қарорлари қандай ижро этилиши Сайлов Кодексида аниқ белгиланмаган. МСК 22 декабрда берган маълумотига кўра, тахминан 20,5 миллион сайловчи рўйхатга олинган, шулардан 1,8 миллиони хорижда.

СЯЭР ишга туширилиши муҳим ютуқ ва аввалги сайловларда қўлланган ёндашувга қараганда анча ижобий силжишдир. Лекин буткул янги умуммиллий сайловчилар рўйхати тузилган бўлса ҳам, сайлов куни сайлов рўйхатидан ўз маълумотини топа олмаган сайловчилар ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин. Бу халқаро стандарт ва умум қабул қилинган

²⁰ Ўзбекистон БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясига имзо чеккан. Конвенция Қўмитаси 4/2011 (Zsolt Bujdosó and others v. Hungary) баёнотининг 9.4 параграфида “29-моддада ҳеч қандай ҳолисона чеклов кўзда тутилмаган ёки ногиронлиги бор шахсларга имтиёзлар берилмаган. Шунинг учун, гуёки ёки ҳақиқий психосоциал ёки интеллектуал ногиронлик асосида сайлаш ҳуқуқини чеклаш ногиронлик асосида дискриминация ҳисобланади” деб айтилган. 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 7.3 параграфида аъзо-давлатлар “барча вояга етган сайловчиларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолайди” деб белгиланган.

²¹ 1999 йилдаги ПФ-2240 га кўра, уч кундан олти ойгача даврдаги вақтинча қайд этиш фуқарони доимий истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. МСК 994-Қарорида “фуқаро сайлов участкасининг ҳудудида вақтинча яшаётганини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади” деб ёзилган.

²² Сайловчилар рўйхатларининг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни тегишли УСКдан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов Кодексида бу талаб учун муддат белгиланмаган.

амалиётларга зиддир.²³ ДИИХБ СКМ кузатувчилари ўзларини вақтинча прописка асосида тегишли ҳудуд сайловчилар (баъзида, қонун талаб қилганидек, шахсан УСКга бормасдан) рўйхатига қиритаётгаларни кўрдилар.²⁴ Яшаш манзили ҳақидаги қонданинг бундай қўлланиши, сайлов кунига рўйхатга олиниш амалиёти билан бирга, ҳар қандай инсонга истаган жойида овоз беришга имкон беради ва СЯЭР олдини олиши керак бўлган суистеъмол учун замин яратади.

Номзодларни рўйхатга олиш

Ёши 25 дан кам бўлмаган ва сайлов кунига қадар мамлакатда камида сўнгги беш йил давомида яшаган фуқаролар номзод бўлишлари мумкин.²⁵ Миллий сайловларда номзоднинг Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаши ва бунинг муддати борасидаги талаблар халқаро стандартларга зиддир.²⁶ Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаганлар номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар, бу ҳам сайланиш ҳуқуқининг универсал халқаро стандартларига зид ҳисобланади. Мустақил (партия тавсия қилмаган) номзодларнинг сайловларда қатнашиши мумкин эмас.

Сайловларда қатнашишлари учун депутатликка номзодлар МСК томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялардан бири томонидан таклиф қилиниши керак. Ўз номзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши ва турли маъмурий ҳудудлардаги 40 мингта сайловчилардан уни қўллаб-қувватлашларини тасдиқловчи имзоларни йиққан бўлиши лозим. Партиялар ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан талаб қилинган имзолар сонининг 8 фоизидан кўпроғини йиғишга ҳақли эмас. ДИИХБнинг аввалги тавсияларига биноан қонунчиликдаги сўнги ўзгаришларга кўра, сайловчилар бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишлари мумкин. МСК партиялар томонидан тақдим этилган имзолар намуналарини текшириб, ҳеч қандай муаммо йўқлигини тасдиқлагач, бешта сиёсий партия сайловда иштирок этиш учун МСК томонидан рўйхатга олинган.

15 ноябрда МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан 5тадан, жами 750 нафар номзодни рўйхатга олди. Шулардан 30 фоизи Қонунчилик палатасининг амалдаги аъзосидир. Сайлов кодексига кўра, ҳар бир партиядан илгари сурилаётган номзодларнинг камида 30

²³ 2002 йилдаги Венеция Комиссиясининг Сайлов масалаларида умум қабул қилинган амалиётлар Кодексининг 1.2 (iv) параграфида “Рўйхатга олинмаган сайловчини рўйхатга олиш амалиёти мавжуд бўлиши зарур ва бу амалиёт суд назоратида бўлиши керак: рўйхатга олинмаган сайловчи сайлов кунига сайлов участкасида рўйхатга олинмаслиги керак”.

²⁴ Бундай талаблар одатда телефон кўнғироки орқали бўлган, лекин МСК қарори бу процедура шахсан қилиниши кераклигини белгиланган.

²⁵ хизматдаги ҳарбийлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар.

²⁶ Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 25-моддасига БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг Умумий Шарҳининг (25-Умумий Шарҳ) 15 параграфида “сайланиш ҳуқуқи борасидаги чекловлар... объектив ва ҳолис мезонларга асосланган бўлиши керак. Сайланиш ҳуқуқига эга инсонлар [...] истиқомат талаби каби ноҳолис ва дискриминацион талаблар орқали четлаштирилиши жоиз эмас” деб белгиланган. Шунингдек, 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Хужжатининг 7.3, 7.5 ва 24 параграфларига қаранг.

фоизи аёллардан иборат бўлиши лозим, барча партиялар бу талабни бажарган. Умумий номзодларнинг 41 фоизи (310 нафари) аёллардир.²⁷

Сиёсий партиялар ўз номзодларини сайлов кунидан ўн беш кун олдинга қадар бекор қилиш ҳуқуқига эга, айни чоғда, номзодлар номзодликдан истаган вақтда воз кечишлари мумкин, шу жумладан муддатдан аввалги сайловлар бошланган бўлса ҳам. Номзод чиқиб кетганда сайлов бюллетенларига нима бўлиши ёки чиқиб кетган номзодга берилган овозлар қандай тақсимланиши қонунчиликда белгиланмаган. 6 нафар номзод, шулардан иккитаси муддатдан олдинги овоз бериш даврида ўз аризасига кўра номзодини бекор қилган, рўйхатда жами 744 номзод қолган.

Сайлов кампанияси ва кампанияни молиялаштириш

Сайлов кампаниясини ва кампанияни молиялаштиришни Сайлов кодекси, МСКнинг сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид қарорлари ва “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун тартибга келтиради. Сайлов Кодексига кўра, номзодлар сайловчилар билан “хабардор қилиш” тизимидан фойдаланган ҳолда учрашувларни мустақил ўтказди, лекин оммавий тадбирларни ўтказиш учун ханузгача маҳаллий ҳокимликлардан рухсат олиниши керак.²⁸ МСК ўз қароридида маҳаллий ҳокимликларга оммавий тадбирларни ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги аризаларини имкон қадар қисқа муддатларда кўриб чиқишни, оммавий тадбирларнинг умумий сонини кўрсатган ҳолда сайлов кампанияси тугагунига қадар амал қилиш муддати билан бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун ягона рухсатнома беришни тавсия этган.

Сайловолди кампанияси мутассадилар томонидан сўз эркинлигига ҳурмат ошган муҳитда олиб борилди. Лекин бу ва бошқа фундаментал эркинликларнинг қонуний чеклови сақланиб қолган. ДИИХБ СКМ билан суҳбатлашган партия вакиллари ва номзодларнинг айтишича, сайловолди тадбирларни ташкил этишда улар ҳеч қандай маъмурий тазийқларга учрамаган, сайловолди кампанияси сокин руҳда ўтиб, ҳодисаларга бой бўлмади.

Сайлов кампанияси расман 20 сентябрь куни бошланди ва 20 декабрга қадар давом этди. Номзодлар МСК уларни 18 ноябрда рўйхатга олгандан сўнг ўз сайлов кампаниясини бошлаган.

Қонунчиликда сиёсий партиялар ёки уларнинг номзодларини сайловда шахсий манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Партия ёки унинг номзодининг сайловлар, хусусан сайловолди кампанияси билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлари давлат бюджетидан

²⁷ Номзод аёллар сони 36 фоиздан (ЎЭП) 48 фоизгача (Миллий Тикланиш).

²⁸ Оммавий йиғилишларни ўтказиш ҳақида алоҳида қонун мавжуд эмас, оммавий тадбирларни ўтказиш 2014 йилда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 205-қарори билан тартибга солинади. Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари ҳудудида 200 ва ундан кўп кишилар иштирокида, бошқа ҳудудларда 100 ва ундан кўп киши иштирокида ўтказиладиган оммавий тадбирлар учун рухсатнома олинади.

қопланади. Сиёсий партиёга давлат томонидан ажратилган маблағ ҳажмини МСК белгилайди. Бу ҳажм мазкур партиё рўйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ. 2019 йилги парламент сайловларига МСК тахминан 8,12 миллиард сўм (853, 800 Евро эквивалентида) ажратган бўлиб, ҳар бир партиё учун тахминан 1,62 миллиард сўм (154,759 Евро эквивалентида) тўғри келмоқда.²⁹ МСК қарорига кўра, партиёлар уларга ажратилган сумманинг 30 фоизини номзоднинг шахсий ҳисоб варағига ўтказиб бериши керак. Бу ҳар бир номзод 3,25 миллион сўмдан (350 Евро эквиваленти) қабул қилганини англатади.³⁰ ДИИХБ СКМ билан суҳбатлашган номзодларнинг айтишича, бу сумма ишончли вакилларининг йўл кираси ёки қўшимча тарғибот воситаларини (асосан, флаерлар) чоп этиш каби кичик харажатларни қоплаган.³¹

Шахсий манбалардан сайлов кампаниясини молиялаштиришга бўлган тақиб фуқароларнинг ўз маблағларидан ўзлари истаган партиё ёки номзоднинг сайлов кампаниясини молиялаштиришга йўл қўймайди. МСК томонидан номзодларга ажратилган маблағ миқдори сайлов кампаниясини етарлича молиялаштиришга йўл бермайди ва натижада қўшимча, айниқса сайловчиларга тарқатиладиган тарғибот воситаларини сотиб олишга имкон бермайди.

Сайловолди кампанияси ҳақидаги молиявий ҳисоботни бериш ҳуқуқий талаби мавжуд эмас, кампанияни молиялаштириш шаффофлигини камайтиради. Ижобий томонда, илк бор, сиёсий партиёлар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов яқунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичида ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашрларда эълон қилиши шарт.

МСК қарорлари сайлов кампаниясининг қолиплаган, ўта муфассал қонуний базасини яратган. Қонунчиликдаги номзодларга “тенг имконият”ни таъминлаш талаби тор талқин этилди, бунинг натижасида партиёлар ўзларига хос индивидуал кампания стратегиясини белгилашда қийналди. Бу ўз навбатида барча партиёларнинг, ОАВдаги дебатларидан ташқари, сайловолди тарғибот материаллари ва методларининг муайян тарзда бир-бирига ўхшаб кетишига, тарғибот кампанияси жамоат ҳаётида унчалик сезилмаслигига сабаб бўлди. Масалан, ОСКлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ҳар бир сиёсий партиёга сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун бутун Ўзбекистон бўйлаб фақатгина 225 тадан ташқи реклама воситалари (баннерларни) ва жами 74 та ташқи электрон мониторларни бепул ажратган.³² Партиё ва номзодлар уларга ажратилган маблағлар эвазига қўшимча ташқи реклама воситаларини ҳам сотиб олган, кичикроқ учрашувлар ва эшикма эшик юриб ташвиқот қилган.

²⁹ Бир евро тахминан 10,400 сўмга тўғри келади.

³⁰ Маблағнинг қолган 70 фоизини партиё сайлов билан боғлиқ бошқа харажатларга сарфлайди.

³¹ Сайлов Кодексига 10 гача ишончли вакилга рухсат берилган. Тошкентда жойлашган реклама агентлигининг таъкидлашича, ушбу сумма иккита билборд остиришга етади. Бир қатор номзод улар учун ажратилган пул миқдори кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқлигини айтган.

³² МСК ДИИХБ СКМга маълум қилишича, бу ҳажм сайлов маъмурияти томонидан сиёсий партиёлар эҳтиёжига етарли деб топилган.

УСКлар партиялар учун кампания тадбирларини ташкил этиб, уларда модераторлик қилган, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу тадбирларни ўтказиш учун бепул жой ажратган. Кузатувчиларнинг фикрича, тадбирлар бир қолипда ўтган. Маҳалла кўмиталари ва бошқа давлат қўллаб-қувватлаган жамоат бирлашмалари сайловчиларни ушбу тарғибот тадбирларида қатнашишга чақирган.

Бешта сиёсий партия раислари ДИИХБ СКМ билан суҳбатда кампанияни олиб бориш ва уни молиялаштириш борасидаги қоидалар чекловчи эмас, аксинча қулайликлар яратувчи эканлигини таъкидлаган. Уларнинг ҳеч қайсиси, имконият бўлганда, кампанияни бошқача ўтказиши мумкинлигига ишора қилмаган. Унчалик қизғин бўлмаган сайловолди кампанияси билан бир қаторда бу факт партиялар ҳаққоний рақобатга киришиш нияти ҳақида саволлар туғдиради.

Сайловолди кампанияси фақатгина тор доираларда қизиқиш уйғотган кўринади, МСК ҳатто партияларга сайловолди ташвиқотини шиддатлироқ олиб боришга ундаган.³³ Баъзи бир истиснолардан ташқари, партиялар ўзининг анаънавий электоратидан бошқа ижтимоий гуруҳларга мурожаат қилмагандек туюлди.³⁴ Умуман олганда, номзодлар ўз рақибларининг сиёсий платформасини танқид қилмади. Асосий эътибор ижтимоий ҳимоя ва таъминот, иқтисодий ривожланиш мавзуларига қаратилган. Барча партиялар президент сиёсати ва ислохотларни қўллаб-қувватлашига бот-бот урғу берган. Бунинг натижасида, сайлов кампаниясида рақобат кузатилмади, сайловчиларга бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган сиёсий қарашлар тақдим этилган ва бу сайловчиларнинг танловини чеклаган.

Гендер тенглик масалалари сайловолди кампанияси мобайнида унчалик муҳим мавзуга айланмаган. Аёллар сайловолди тадбирларда ҳам оддий кузатувчи, ҳам сўзга чиқувчи сифатида қатнашган бўлса ҳам, умуман олганда улар кўп кўзга ташланмаган.³⁵ Сиёсий партиялар номзод аёлларни фаол тарғиб қилмаган. Партияларда раҳбар лавозимларида аёллар унчалик кўп эмас. Миссия кузатган ОАВ кампанияни ёритишда 99 фоиз диққатни эркак номзодларга тортган.

Ногиронлиги бор инсонлар ҳақ-ҳуқуқлари масаласи сайловолди кампанияси мобайнида унчалик муҳим мавзуга айланмаган. Ижобий томонда, партияларга ажратилган бепул эфир вақтида ишора тилида таржима кетган, лекин партиялар ногиронлиги бор инсонлар учун қулай шаклда тарғибот воситаларини ишлаб чиқмаган. Сайлов тадбирлари ўтган жойлар ҳар доим ҳам ногиронлиги бор инсонлар қатнашиши учун қулай бўлмаган.

³³ 10 декабрда бўлиб ўтган матбуот анжуманида МСК раиси сайловчилардан партия номзодлари ҳамон танилмаётгани/кўринмаётгани ҳақида шикоятлар тушаётганига ишора қилган.

³⁴ Партиялар электоратнинг муайян ижтимоий-иқтисодий қатламнинг манфаатларини акс этаётганини иддао қилмоқдалар: ЎзЛиДеП электорати – тадбиркорлар ва фермерлар, Адолат СДП – давлат хизматчилари ва бюджет ташкилотларининг ходимлари, ХДП – ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, Миллий Тикланиш ДП электорати – миллий тикланиш гоёсини қўллаб-қувватлайдиганлардан иборат

³⁵ ДИИХБ СКМ кузатувларига кўра, тадбирлардаги аудиториянинг 52 фоизини аёллар ташкил этган.

Медиа

Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги, оммавий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, лекин айни вақтда, оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларнинг “ҳаққонийлиги”га масъул ҳисобланадилар. Оммавий ахборот воситалари ва ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунлар бу соҳани тартибловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, бу қонунлар учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончилиги учун уни ўз платформасида тарқатган воситани жавобгар қилиш орқали ОАВ эркинлигини чеклайди.³⁶ Тухмат, бўхтон, “фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш”, “ёлғон маълумотларни” тарқатиш, журналистлар томонидан “ички фаолиятга” аралаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ 3 йилгача қамок жазосига сабаб бўлади. Президент 2019 йил 13 декабрда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига (АОКА) тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган нормани бекор қилиш масаласи кўриб чиқишни топширган.³⁷

Сўнгги пайтларда ОАВда сўз эркинлиги даражаси анча яхшиланган. 2019 йилнинг майида АОКА бир қатор мустақил интернет ОАВга Ўзбекистон ҳудудидан кириш имкониятини тиклади. АОКА фаолияти ахборот соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ОАВга киришни оғохлантirmасдан блоклаши мумкин. Бу йил ўз профессионал фаолияти деб қамалган бир қатор журналистлар озод этилди. Сиёсий мавзуларда тобора кўпроқ дастурлар узатилмоқда, ДИИХБ СКМ суҳбатдошларининг айтишича, ОАВ коррупция ёки мажбурий меҳнат каби нозик масалаларни тобора кўпроқ ёритмоқда. Бу ижобий ўзгаришларга қарамай, зўравонлик ва таҳдид туфайли ўзини цензура қилаётган журналистлар учун хавфсизлик ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда кўпгина ОАВ турлари мавжуд. Телевидение маълумот олишнинг асосий манбаи ҳисобланади, ундан кейин интернет сайтлар ва радиоканаллар туради. Давлатга тегишли тўртта миллий ТВ канал ва иккита энг катта хусусий ТВ каналлар сиёсий мавзуларни ёритади. Мустақил фикр ва таҳлил манбаи сифатида кўпроқ мустақил блогерларга мурожаат қилинмоқда.

Сайлов кодекси ва МСКнинг қатор қарорлари расмий сайловолди кампанияси бошлангандан сўнг номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ёритишни белгилайди. Сайлов кодексига давлатга тегишли ОАВ томонидан тенг ва бепул эфир вақти ва нашр майдони ажратилиши кўзда тутилган.³⁸ Хусусий ОАВ сиёсий реклама сотса, барча партиялар учун тенг имконият ва шароит бериши керак.

³⁶ “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун блогерга таъриф бериб, веб-саҳифа эгаси ёки блогерга ўз платформасида тарқатган ахборотнинг холислиги ва ишончилигини текшириш мажбуриятини юклаган.

³⁷ Барча оммавий ахборот воситалари, жумладан интернет ОАВлари ҳам АОКА томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим. Агентлик ОАВнинг фаолияти ахборот соҳасидаги қонунчиликка мувофиқлиги, хусусан мазмун устидан назорат олиб боради.

³⁸ Сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 4 та каналида 30 дақиқадан бепул эфир ажратилди. Белгиланган газеталарда 18 ноябрдан 15 декабргача сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун

ДИИХБ СКМ бир қатор миллий ва минтақавий ОАВ мазмун жиҳатдан таҳлил қилди.³⁹ Мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, иккита давлатга тегишли телеканал (Ўзбекистон ва Ўзбекистон 24) барча партияларга тенг эфир вақтини ажратган, лекин хабарларда асосан (хабарларнинг 80 фоизи) президент фаолияти ёритилган. Хусусий Uzreport телеканали ҳам тенглик талабига мувофиқ партиялар фаолиятини ёритган, бу телеканалда ҳам 12 фоиз президент, 17 фоиз ҳукумат фаолияти ёритилган. Давлатга тегишли “Ёшлар” ва “Ўзбекистон” радиоканаллари ўз хабарларининг тегишли 14 фоизи ва 19 фоизини ҳукумат ва президент фаолиятини ёритишга бағишлаган.

Умуман олганда, давлатга тегишли ОАВда партияларга бепул ажратилган эфир вақти бу ОАВнинг сайловолди кампаниясини ёритишга ажратган вақтидан кўпроқ бўлди. Хусусий ОАВнинг хабар ва муҳокама дастурларида ҳам сайловолди кампаниясини ёритишга кам вақт ажратилган эди. Партиялар ҳам давлат, ҳам хусусий ОАВда тўлов асосида реклама берганлар. СКМ кузатган ОАВ МСК қарорида белгиланган бепул эфир вақтига тўлиқ риоя қилган.

Ўзбекистонда илк мартаба 25 та партиялараро дебатлар ўтказилди. Дебатлар Халқаро пресс-клубда асосан жонли эфирда узатилди. Жонли узатилмаган дебатлар техник жиҳатдангина таҳрир қилинди. ХПКдан ташқари Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) ҳам ўтказган 26 та дебат, шу жумладан 6 таси жонли эфирда хусусий телеканалларда эфирга узатилди. Умуман олганда, номзодлар ўртасида дебатларнинг ўтказилиши сиёсий ва медиа соҳасининг очилишида муҳим қадам бўлди. Кечроқ бўлса ҳам, анаънавий ОАВ журналистлари дебатларда кўтарилаётган мавзуларни ёки партия сайловолди дастурларини таҳлил ва муҳокама қилишга киришганини ижобий силжиш сифатида қараш мумкин.

Партиялар ижтимоий тармоқлардан, хусусан Facebook ва Telegram каналларидан, ташвиқот усулларини диверсификациялаш учун фойдаланмоқда, лекин ижтимоий тармоқларда кузатилган сайловолди ташвиқот даражаси ҳам паст бўлган.⁴⁰ ДИИХБ СКМ сиёсий партиялар асосий ижтимоий тармоқларда пуллик реклама жойлаштирганидан хабардор эмас.

Миллий озчиликлар

Ўзбекистон кўп миллатли давлатдир. Ўзбеклардан ташқари, асосий этник гуруҳлар тожик, қозок, рус ва қорақалпоқлардан иборат.⁴¹ Ҳеч қайси партия миллий озчиликларга ўз электорати сифатида қарамаган, миллатлараро масалалар сайловолди кампаниясининг кун

газетанинг иккинчи саҳифаси бепул ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқа анонс берилди. 17 – 19 декабрь кунлари ҳар бир партия материалига ярим саҳифа ажратилган.

³⁹ 1 декабрдан бошлаб СКМ учта телеканални (Ўзбекистон, Ўзбекистон 24 ва Uzreport), иккита радиоканални (Ўзбекистон ва Ёшлар), учта босма нашрларни (“Халқ сўзи”, Народное слово”, “Правда Востока” газеталарини) мазмун жиҳатдан таҳлил қилди.

⁴⁰ Сайлов иштирокчиларининг ижтимоий медиадаги фаолияти асосан тарғибот тадбирлари ҳақида хабар бериш ва ОАВдаги мақолаларни тарқатиш билан кифояланган.

⁴¹ 2017 йилдаги расмий статистик маълумотларга кўра, ўзбеклар аҳолининг 83.8 фоизини ташкил этади. Сўнгги расмий аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган.

тартибида ўрин олмаган бўлса ҳам, барча партияларда миллий озчиликлардан номзодлар мавжуд.

Сайлов бюллетенлари ўзбек тилида (лотин ва кирилл ёзувида), рус ёки қорақалпоқ тилида нашр этилган.⁴² Баъзи округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган бошқа тилларда сайлов бюллетенлари нашр этилмаган.⁴³

Сайловларга оид айрим материаллар, шу жумладан бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва МСК қарорлари, ҳам рус, ҳам ўзбек тилида чоп этилган. ДИИХБ СКМга партиялардаги суҳбатдошларнинг маълум қилишича, партиялар ўз тарғибот ва ташвиқот материалларини миллий озчиликлар тилида ҳам чоп этган. Сайлов кампанияси жараёнида миллий озчиликларга нисбатан салбий муносабат ёки камситувчи ҳаракатлар кузатилмади.

Шикоятлар ва апелляция

Сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқий нормалар умуман олганда шикоятларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор чиқариш учун муносиб асос яратган. Жисмоний ва юридик шахслар сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида сайлов комиссияларига шикоят қилишлари мумкин. Сайлов комиссиялари бу шикоятларга уч кун ичида, сайловгача олти кундан кам муддат қолган ҳолларда дарҳол жавоб бериши лозим бўлади. Барча шикоятлар махсус рўйхатга олиниб, шикоятчи натижадан хабардор қилиниши керак.

Шикоятлар асосида қабул қилинган қарорларни чоп этиш ҳуқуқий мажбурияти мавжуд эмас ва Сайлов кодексига ОСК ва УСК қарорлари устидан шикоят қилишнинг икки йўли кўзда тутилган. Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссияси қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи биринчи масъул (туман) судига мазкур қарорлардан кейинги 10 кун ичида шикоят қилишлари мумкин. Бу англашмовчиликка олиб келиши, комиссиялар билан судларни такрорий шикоятлар билан банд қилиб қўйиши, бир хил бўлмаган ҳукмлар чиқарилишига олиб келиши мумкин.⁴⁴ Ушбу муассасаларга қарор қабул қилиш учун уч кун муддат белгиланган. Сайловгача олти кундан кам муддат қолган ҳолларда масъул идора дарҳол қарор чиқариши лозим бўлади. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар фақат Олий судга тақдим этилиши мумкин.

20 сентябрдан 20 декабргача МСКга фуқаро ва юридик шахслардан 573 ёзма мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатларда кўтарилган мавзулар номзодни қўйиш ва рўйхатга олишдан (асосан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларга) тортиб, то умумий таклиф ва мулоҳазаларгача бўлган мавзулардан иборат. МСК

⁴² Сайлов Кодексига кўра, бюллетенлар ўзбек тилида (лотин ва кирилл ёзувида), шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

⁴³ Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тожик тили кенг тарқалган.

⁴⁴ ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг [Сайлов Кодекси лойиҳаси ҳақидаги қўшма Хулосасининг 87-88 параграфларига қаранг](#).

мурожаатларнинг ярмидан кўпига ўзи жавоб берган, қолган 200 шиклоятни ваколатли органларга кўриб чиқиш учун юборган.⁴⁵ Бош прокуратура маҳаллий ҳокимликлар сайлов жараёнига аралашishi билан боғлиқ 11 шикоятни тегишли тартибда кўриб чиқаётганини билдирган. Бу мурожаатлар МСК ёки суд қарорини талаб қилмагани учун ўнглашнинг ҳуқуқий механизмлари ҳозирча деярли синовдан ўтмаган.

Фуқаролик ташкилотлари кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар

Сайлов кодекси сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари, ва илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш Маҳалла кўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Шунини айтиш жоизки, Маҳалла кўмиталарининг турли даражадаги сайлов комиссияларининг ишида фаоллиги кузатувчи сифатида фаолиятига таъсир қилиши, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Ҳалқаро ва маҳаллий ОАВ вакиллари ҳам шунга ўхшаш ваколат берилган. Сайлов жараёнида бошқа мустақил фуқаролик ташкилотлари, хусусий ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган, бу эса халқаро стандартлар ва мажбуриятларга зиддир.⁴⁶

ОСКлар 70 000 нафар партия ва Маҳалла кўмитасидан кузатувчиларга мандат берган, МСК 820 нафар халқаро кузатувчилар ва 1135 журналистларга, шу жумладан 135 нафар халқаро журналистга аккредитация берган.

Муддатдан олдин овоз бериш ва сайлов куни

Муддатидан олдин 12 –18 декабрь кунлари овоз берилди, жуда кам сайловчи бу имкониятдан фойдаланган.⁴⁷

СКХМ 134 сайлов участка очилиш жараёнини кузатди, 93 фоиз ҳолларда бу жараённи ижобий баҳолади. Бу жараён умуман олганда яхши ташкиллаштирилган, лекин УСКларнинг 30 фоизи рўйхатга олинган сайловчиларнинг сонини эълон қилмаган, УСКларнинг 43 фоизи қабул қилиб олинган бюллетенларнинг сонини эълон қилмаган.

СКХМ сайлов жараёнини 1277 та сайлов участкасида кузатди. Участкаларнинг аксариятида, 77 фоизда, ҳаракатланиши чекланган сайловчиларга қулай шароит яратилган, 92 фоиз участкаларида ногиронлиги бор инсонлар учун қулайликлар яратилган. Аёллар УСК аъзоларининг ярмидан кўпини, лекин ОСК аъзолари орасида 34

⁴⁵ Мурожаатлар жумладан Бош прокуратурага (76 таси), сиёсий партияларга (62), ИИВга (8), Қонунчилик палатасига (7), Олий Судга (2) юборилган. Бир қатор мурожаатлар 20 декабр муддатига ҳамон ҳал қилиниши кутилаётган эди.

⁴⁶ Копенгаген Ҳужжатининг 8-параграфини ва Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 25-моддасига БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кўмитасининг Умумий Шарҳининг (25-Умумий Шарҳ) 21 параграфига қаранг

⁴⁷ МСК хабарига кўра, 59266 фуқаро мамлакатда, 89807 фуқаро хорижда муддатидан олдин овоз берди

фоизни ташкил этди. Кузатилган сайлов участкаларининг деярли барчасида партия кузатувчилари иштирок этаётган эди. Деярли доимо “Маҳалла” вакиллари ҳам кузатувчи сифатида ҳозир эди. Сайлов участкаларнинг 18 фоизида ваколоти бўлмаган шахслар турган эди, участкаларнинг 6 фоизида улар УСК фаолиятига аралашаётган ёки УСК ишини мувофиқлаштираётган эди.⁴⁸

Сайловчилар асосан эрталаб фаол овоз беришди, одамлар участкаларда тўпланиб қолганлиги ҳақида ҳисоботлар ҳам куннинг шу даврига хосроқ бўлди.⁴⁹ Сайлов жараёнининг илк тўрт соатида жараённи салбий баҳолаш (18 фоиз) кейинги 8 соатга қараганда (9 фоиз) икки баробар кўпроқ бўлди. Умуман олганда кузатувларнинг 14 фоизида овоз бериш ва санаш салбий баҳоланди, бу жиддий процедурал камчиликларга ишорадир.

Сайлов жараёни асосан тинч муҳитда ўтди, бироқ ДИИХБ СКМ кузатувчиларининг 3 фоизи фуқаролар сайлашга мажбурланганлиги, 12 фоизи сайловчиларнинг танловига таъсир ўтказилганлиги ҳақида хабар берди. Яширин овоз бериш учун шароит яратилган, лекин 4 фоиз сайлов участкаларида бир ёки ундан кўп сайловчилар белгиланган сайлов бюллетенларини бошқа шахсларга кўрсатган.

Қонунга хилоф тарзда, кузатилган сайлов участкаларнинг 10 фоизида сайловчиларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз сайлаш имконияти берилган. Янги марказлашган сайловчилар рўйхатини тузишга кетган ҳаракатларга қарамай, муддатидан олдин сайлов кунлари ва сайлов кунда баъзи УСКлар кўп шахслар маълумотини сайловчиларнинг “қўшимча” рўйхатига қирғизиб қўйган.⁵⁰ Одатда бу шахснинг яшаш манзилини ёки бошқа сайлов участкасида рўйхатга олинганлигини сайловчиларнинг марказлашган электрон рўйхатидан текширмасдан қилинган.⁵¹ Шундай қилиб, амалиётда, фуқаролар истаган жойда овоз бериши мумкин эди ва бир нечта сайлов участкасида овоз бериш олдини олишга қаратилган механизм мавжуд эмас эди. Кузатилган бошқа муҳим қоидабузарликлар бир гуруҳ сайловчилар бюллетенни кабинкада биргаликда белгилаётгани (7 фоиз), нотўғри муҳрланган сайлов қутиси (3 фоиз) ва 27 сайлов участкасида бюллетенлар жамлаб ташлаб қўйилганликларга ишорадан иборат.

Сайловчиларга қаратилган мунтазам тренинг ва таълимга қарамай, 8 фоиз сайлов участкаларида бир одам бир неча бор овоз бериши, 10 фоизида бошқалар учун овоз бериши кузатилди.⁵² Бошқалар учун овоз берилганлигига шунингдек 28 фоиз сайлов

⁴⁸ Шу жумладан, кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтмаган “Маҳалла” вакиллари, участка жойлашган идоранинг расмийлари ва қонунда кўрсатилмаган “қўнғиллилар”

⁴⁹ 15 фоиз участкаларда одамларнинг тўпланиб қолиши кузатилган.

⁵⁰ Кузатувчилар олдиндан турли форматда принтердан чиқарилиб қўйилган қўшимча сайловчилар рўйхати ҳақида хабар бердилар.

⁵¹ Кузатилган 12 фоиз участкаларда УСК электрон маълумотлар базасига уланиш учун терминал йў эди.

⁵² Кузатувчилар тез-тез хабар беришича, сайловчилар ҳозир бўлмаган инсонларнинг ҳужжатларини тақдим этиб, УСК аъзоларидан улар номидан ҳам қўшимча сайлов бюллетенларини олган

участкаларидаги сайловчилар рўйхатидаги ўхшаш имзолар далил бўлиши мумкин.⁵³ Бу жиддий қоидабузарликлар УСКларнинг сайловнинг ҳалоллигига садоқати борасида шубҳа туғдиради.

СКХМ кузатувчилари 130 сайлов участкасида овоз санаш жараёнини кузатди ва шундан 42 фоизини салбий баҳолади. Партия кузатувчилари ҳозир бўлса ҳам, одатда овоз санаш жараёнига қизиқиш билдирмади. 23 фоиз участкаларда ваколати бўлмаган шахслар санаш жараёнида иштирок этди, 17 фоизида УСК аъзоси бўлмаганлар, жу жумладан партия ва Маҳалла кузатувчилари санаш жараёнига аралашди ёки уни бошқарди, ва баъзи ҳолларда ўзи ҳам бюллетенларни санашда шахсан иштирок этди.

Овоз санаш жараёнида УСКлар кўпинча баённомани мувофиқлаштириш қоидаларига амал қилмади.⁵⁴ Сайлов қутилари бўшатилаганида, СКХМ кузатувчиларнинг 20 фоизи бюллетенлар жамлаб ташлаб қўйилганига ёки бир одам бошқаларга овоз берганига ишораларни кўрди. Сайлов участкаларининг ярмидан кўпида, парламент сайловларига овозлар биринчи саналиши ҳақидаги қоидаларга, овоз санаш кетма-кетлигига амал қилинмади, барча даражадаги сайловларга овозларни санаш бир пайтда амалга оширилди.⁵⁵

Овозларнинг ҳаққонийлиги изчил бўлмаган, ва баъзида, асоссиз шаклда белгиланди. СКХМ кузатувчиларининг ярмидан кўпи номзодлар учун берилган овозларни санаш шаффоф ўтмаганини хабар қилди. Аксарият УСКлар якуний баённомани тўлдиришда рақамлани мувофиқлаштиришга қийналди. 13 фоиз участкаларда баённомага аввалдан имзо чекилган эди, кузатувчилар сайловчилар рўйхати (5 фоиз) ва баённомага (7 фоиз) киритилган маълумотлар сохталаштирилганлиги ҳақида хабар берди. Кузатувчиларнинг ярмидан кўпи якуний баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига дарҳол осиб қўйилмаганини хабар берди, бу эса шаффофликни камайтиради.

Қонун талаб қилганидек, овозлар саналгандан кейин баённомалар дарҳол тўғри УСКга олиб бориб топширилмади. Баъзи кузатувчиларга кўра, баённомадаги рақамлар сайлов участкасидан ОСКга етиб боргунча номаълум шахслар томонидан ўзгартирилган. Кузатувчилар овоз санаш жараёнини 105 ОСКда кузатди, шулардан 16 фоизидагина партия кузатувчилари овоз санаш жараёнини кузатган. 9 фоизида ваколати бўлмаган шахслар санаш жараёнида ҳозир бўлган, учта участкада улар санаш жараёнини бошқарган. 15 фоиз ОСКларда йўл қўйилган жиддий процесуал хато ва камчиликлар

⁵³ Баъзи кузатувчиларга кўра, УСК аъзолари халқаро кузатувчилар борлиги сабабли сайловчиларни бошқалар номидан овоз беришдан огоҳлантирган.

⁵⁴ Шу жумладан, қабул қилинган бюллетенларнинг сонини эълон қилмаслик, сайлов кутининг муҳр рақамини текширмаслик, бузилган бюллетенларни ҳисобламаслик, рўйхатдаги имзоларнинг сонини қутидаги бюллетенлар сони билан солиштирмаслик, ушбу маълумотларни баённомага киритмаслик.

⁵⁵ Парламент сайлови ва маҳаллий кенгашларга сайлов бюллетенлари ўхшашлиги учун бу санашда адашишларга олиб келди.

ҳақида хабар берилди. ОСКларнинг 40 фоизи УСК баённомаларида хато топган, 6та ОСК УСКларнинг бир ёки бир нечта баённомасини бекор қилган. 7 та округда УСКлар бўш протоколларни тақдим этган; 17 маротаба кузатувчилар УСКлар баённомани ОСК биносига тўлдираётганини хабар қилган, 15 та ҳолда УСК баённомалари, аксарият ҳолларда УСКнинг расмий қарорисиз, ОСК биносига ўзгартирилаётгани кузатилган. МСК сайловчиларнинг 71,1 фоизи сайловда овоз берганини хабар қилди.

МИССИЯ Тўғрисида Маълумот ва Миннатдорчиликлар

Тошкент, 23 декабрь 2019 йил – Ушбу Дастлабки натижалар ва хулосалар Баёни ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) ва ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг (ЕХХТ ПА) умумий фаолиятининг маҳсулидир. Ушбу баҳолаш сайловлар демократик сайловлар борасидаги ЕХХТ қоидалари ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартлар, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси ЕХХТ ПА президенти Георгий Церетелини ушбу сайловларда ЕХХТнинг махсус мувофиқлаштирувчиси ва ЕХХТ қисқа муддатли кузатувчилар миссиясининг етакчиси этиб тайинлади. ЕХХТ ПА кузатувчилар делегациясига Кари Хенриксон раҳбарлик қилди. 25 ноябрь кунда ўз ишини бошлаган ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатувчилар миссиясига (СКМ) Тана де Зулуэта бошчилик қилапти.

Мазкур Сайловни кузатиш халқаро миссиясида иштирок этаётган икки муассаса ҳам 2005 йилдаги Сайловларни халқаро кузатиш тамойиллари декларациясига имзо чеккан. Ушбу Дастлабки натижалар ва хулосалар Баёни сайлов жараёни яқунланишидан олдин тайёрланди. Сайловларга бериладиган яқуний баҳо қисман сайлов жараёнининг қолган босқичлари, шу жумладан сайловчилар овозини санаб чиқиш, бу ҳақда яқуний баённома тузиш ва натижаларни эълон қилиш, сайловдан кейин тушиши мумкин бўлган шикоятларни кўриб чиқишга боғлиқдир. ДИИХБ сайлов жараёни яқунланганидан саккиз ҳафта кейин ўз ичига такомиллаштириш учун эҳтимолий тавсияларни олган батафсил яқуний ҳисоботни чиқаради. ЕХХТ ПА кузатувчилари ўз ҳисоботини Венада, қишки йиғилишида тақдим этади.

ДИИХБ СКМ Тошкент шаҳрида жойлашган 11 кишидан иборат асосий жамоа ҳамда 3 декабрдан минтақаларга чиққан 30 кишидан иборат узоқ муддатли кузатувчилар (УМК)дан ташкил топган. Сайлов куни 37 давлатдан 316 кузатувчи иштирок этди, шу жумладан 271 нафар ДИИХБ узоқ ва қисқа муддатли кузатувчилари ва ЕХХТ ПА 45 кишилик делегацияси. Миссия аъзолари ЕХХТга аъзо бўлган 17 та мамлакат вакилларидан йиғилган. СКХМ 134 сайлов участка очилиш жараёнини кузатди, СКХМ 134 сайлов участкасида очилиш жараёнини кузатди, 1270 та сайлов участкасида сайлов

жараёнини кузатди, Овозларни санаб чиқиш жараёни 125 УСКларда кузатилди, сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёни 94 ОСКларда кузатилди.

СКХМ Марказий сайлов комиссиясига сайловни кузатиш учун юборган таклифи, Ташқи ишлар вазирлигига кўрсатган ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек кузатувчилар кўрсатган ҳамкорликлари учун бошқа давлат муассасалари, сиёсий партиялар, ОАВ ва блогерлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда халқаро ҳамжамият вакилларига, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координаторига ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Кўшимча маълумотлар учун, марҳамат қилиб мурожаат қилинг:

- Тана де Зулуэта, ДИИХБ СКМ раҳбари, Тошкентда (+998 71 256 2772)
- Катя Андрузц, ДИИХБ спикери (+375 296 339 743 ёки +48 609 522 266), ёки Улви Ахундлу, Сайлов бўйича маслаҳатчи, Варшавада (+48 695 808813).
- Анна ДиДоменико, ЕХХТ ПА (+99890 009 9166 ёки +45 60 10 81 77)

ДИИХБ СКМ манзили: Тошкент шаҳри, 2-Миробод кўчаси, Hotel Grand Mir, 3 қават,

Телефон: + 998 711 256 2772

E-mail: office@odihr.uz

Ушбу ҳисоботнинг инглиз тилидаги матнигина расмий ҳужжат ҳисобланади.

Унинг ўзбек ва рус тилидаги норасмий таржималари мавжуд.